

2

## ЖАРАЁН

— Ёшлик шуниси билан гўзалки, унинг олдида юксак марраларга элтувчи ёрқин келажак бор, — дейди «Келажак овози» республика мега-танлови ғолиба Назира Боймуродова.

5

ТЎРТИНЧИ  
ҲОКИМЯТ

Халқ матбуотга жамият кўзгуси, адолат тарозиси сифатида қарайди. Матбуот ва омма ўртасидаги муносабатларда ана шу мезон муҳим аҳамият касб этмоғи лозим.

13

КЎНГИЛ  
МУЛКИ

Миллий куй ва кўшиқларимизда халқимиз даҳосининг бетакрор кудрати, буюк сеҳр ва жозиба мавжуд. Шунинг учун ҳам санъат шинавандалари мумтоз кўшиқларимизни бемисл хайратга чўмиб тинглайдилар.

16

СЎНГИ  
САҲИФА

Ўзбек миллий спорт турларидан бири — Белбоғли кураш тарихида янги давр бошланди. 23 декабрь куни Халқаро Белбоғли кураш федерациясига (IBKF) асос солинди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131



# ЖАМИЯТ

2006 йил  
31 августдан  
чоп этила  
бошлаган

Газетанинг чакана  
савдода белгиланган  
нархи — 190 сўм

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2006 йил 29 декабрь № 13 (13)

## ЯНГИ ЙИЛ КЕЛМОҚДА ДОВОНЛАР ОШИБ

### ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ



2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

## ТИЛАК

Мамлакатимиз Раҳбарининг Ўзбекистон Конституцияси  
14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаб

Иқбол МИРЗО,

Ўзбекистон халқ шоири

Ер қадар хокисор, кўкдай бегубор,  
Бўлса — деҳқон йили бўлсин янги йил.  
Миллатни ҳимоя қилувчи бедор  
Бўлса — посбон йили бўлсин янги йил.

Инсон машғулдир ўз ғояси билан:  
Иблисининг ердаги сояси билан.  
Тоғ кўкни тилмасин қояси билан  
Бўлса — раҳмон йили бўлсин янги йил.

Компьютерхонада қилиб қий-чув жанг,  
Китоб жавонида икки энли чанг.  
Шундан асаб таранг, тафаккур заранг,  
Бўлса — урфон йили бўлсин янги йил.

Шоирнинг кўшиғи авж — тикка бўлса,  
Йўл фақат кўнгилга, ўзликка бўлса.  
Кун чиқса, ой чиқса — ўзбекка бўлса,  
Бўлса — имкон йили бўлсин янги йил.

● 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Курбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди ва унга кўра 30 декабрь Курбон ҳайити байрами деб белгиланди.

● 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

● 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

● 23 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг «Миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича қонунчилик тизими» мавзуда илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

● 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг йиғилиши бўлди.

● 26 декабрь куни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан ўзбек Миллий академик драма театрида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, талаба ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирокида адабий кеча бўлиб ўтди.

● 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Куролли кучларига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

● 28 декабрь куни учинчи чакирки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Қорақалпоғистон Республикасининг 2007 йилга мўлжалланган бюджети асосий кўрсаткичлари муҳокама этилди.





Хар қандай даврда ҳам ривожланаётган жамиятнинг етакчи кучлари ёшлар саналган. Шу нуқтаи назардан, юртимизда келажакка муносиб пойдевор қурувчи юксак қобилиятга ва салоҳиятга эга бўлган ёш иқтидорларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Уларнинг истеъдодини жамоатчилик орасида намойиш этиш ва амалий тажрибаларини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида мамлакатимизда кўплаб кўрик-танловлар ўтказилаяпти. Ана шундай тадбирлар сирасидан ўрин олган «Келажак овози» мега-танлови ҳозирда ўз атрофида минглаб ёшларни бирлаштирган.

#### Нафиса ИСМАТУЛЛАЕВА

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида икки йилдан бери ўтказиб келинаётган «Келажак овози» Республика иқтидорли ёшлар танлови мамлакатимиздаги истеъдодларни кашф этиш, уларнинг ижодий эзланлишлари билан биргаликда энг қизиқарли лойиҳа ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашда катта мактаб бўлмоқда. Биринчи йилданок мазкур танловда иштирок этган ёшлар сони икки мингдан ортган, бу йилга келиб 10 мингга яқин ўғил-қизлар қатнашиш истагини билдиришгани республикамизнинг узоқ туманларида яшовчи ёшларни ҳам жалб қилаётганининг амалий ифодасидир.

«Келажак овози»нинг мақсади мамлакатимизда ўсиб, вояга етаётган ёш авлодни хар тарафлама мукамал тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига гамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, уларга ижод ва билим чўққиларини

эгаллашларига кўмаклашиш учун моддий ва маънавий жиҳатдан имконият даражасида шароитлар яратишдир.

Жорий йилда, «Келажак овози» танловининг Жамоатчилик Кенгаши ва йил давомида фаолият юритадиган Ижрочи кўмитаси тузилди. Ўзбекистон ҳукумати кўмагида март ойида танлов лойиҳасига миллий мақом берилиб, унинг ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган барча бирлашма ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлик механизми ишлаб чиқилди. Шунингдек, фаол ёшлар жамғармаси қошида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ташкил этилиб, бугунги кунда у 300 га яқин ёш ва истеъдодли аъзоларини атрофида жамлаган.

«Келажак овози» мега-танлови бу йил ҳам кизгин давом этди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар илмфан, техника ёки санъат соҳасида яратган янгиликларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш

# ЁШЛИК КЕЛАЖАГИ БИЛАН ГЎЗАЛДИР



истагида танловда иштирок этдилар. Вилоят босқичида голиб бўлганлар компьютер жамланмалари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Юртимизда янги йил шукуҳи кезаётган айни дамлар арафасида бўлиб ўтган «Келажак овози — 2006» танлови республика босқичи ўз билим ва малакаларини синаб кўрмоқчи бўлган 280 нафар финалчи ёшларни бирлаштирди.

Танловнинг биринчи иш кунинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши биносидан бўлиб ўтган очилиш маросимида иштирокчилар ўз йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратилди.

Танлов санъат ва ижтимоий фанларнинг турли йўналишларини ўз ичига қамраб олган бўлиб,

ёшларнинг бугунги профессионал ва ижодий қарашларини қай даражада кенглигини белгилаб беради. Икки кун давомида улар яратган асарлар намуналари, лойиҳалари асосида кўргазма ва бадий чиқишлар намойиш этилди. Бадий ва амалий санъат, ахборот ва коммуникация соҳалари, рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа, бадий ижод намунаси ҳамда архитектура ва дизайн бўйича 6 та номинацияда 40 нафар республика голиблари аниқланди.

— Ёшлик шуниси билан гўзалки, унинг келажаги бор, — дейди танлов соҳибдорлари Назира Боймуродова. — «Келажак овози» республика мега-тан-

ловида «Бадий ижод» номинацияси, публицистика йўналиши бўйича голибликни қўлга киритганимдан сўнг, бу мукофот менга шунчаки берилмаганини ҳис қилдим. Мукофот — бу ишонч. Ишонч билдирилдими, демек уни оқлаш керак.

Танловда галаба қозонган бошқа ёшларнинг ҳам юрагида орзу-умидлари юксак. Зеро, уларнинг бугунги шахдам қадамлари ушбу мукофотнинг келажакдаги муносиб самарасини ифодалайди. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ижрочи директор Б.Шарофов журналистлар учун ўтказилган матбуот-конференциясида, республика голибларини қўллаб-қувватлаш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, йўналишларга оид устоз-шоғирд мактаби ўқув-курсларини ташкил этиш ва уларнинг тажрибаларини ҳаётга татбиқ этишга шарт-шароитлар яратиб берилишини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, эзгу ният йўлида амалга ошириладиган хар қандай ҳаракат, албатта, бир кун ўз самарасини беради. Истиқболга интилаётган ёш авлодга бундай имкониятларнинг яратилиши озод ва обод Ватан барпо этиш йўлидаги яна бир олға қадамдир.

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилишни янада кучайтиришни тақозо этади.

Хусниддин БЕРДИЕВ,

ЎзХДП Марказий  
Кенгаши матбуот  
хизмати ходими

Ижтимоий ҳимоя йили вазифаларини ҳал этишда иштирок этиш сиёсий партиялар дастурий мақсадлари ва электорат манфаатига беvosита жавоб беради. Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий ташкилотлари раҳбарлари ва фаолларининг яқинда бўлиб ўтган республика конференцияси ҳам айнан шу масалага бағишланди.

— Одамларнинг

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛЛИГИ

ва партия аъзоларининг сиёсий етуклиги электорат манфаатига хизмат қилади



ижтимоий ҳимояси, аввало, улар истиқомат қилаётган жойларда — қишлоқ аҳоли пунктларида, шаҳарлардаги маҳаллаларда амалга оширилишини назарда тутиш керак, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши ра-

иси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Фуломов анжумандаги маърузасида. — Демак, бу ўринда ХДП туман, шаҳар кенгашлари, тегишли Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ва

масъулияти алоҳида аҳамият касб этади.

Жойлардаги мавжуд ижтимоий муаммолар юзасидан ЎзХДП шаҳар, туман кенгашлари, жумладан, бошланғич ташкилотларида жавобгарлик

қуви бўғиндаги ташкилотлари жойларда ичимлик сув, марказлаштирилган иситиш ва бошқа коммунал хизматлар, табиий газ етказиб бериш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан банд этиш бораси-

даги жамоатчилик диққат марказида турган муаммолар ҳақида бoш қoтирмаяптилар. Ваҳоланки, бу аҳвол нафақат ЎзХДП электорати, балки кўплаб бошланғич партия ташкилотларидаги аъзолар манфаатларига ҳам тааллуқлидир. Конференцияда маҳаллий партия кенгашлари раисларига бу борада аниқ кўрсатмалар берилди.

Ижтимоий ҳимоя йили тадбирларини амалга ошириш ишларида Ўзбекистон ХДПнинг қарийб 12 мингта бошланғич ташкилотлари иштирок этади, деб таъкидланди анжуманда.

Сиёсий  
партиялар





**Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш, мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини тубдан кучайтириш бузуниги энг долзарб вазифаларидан бири сифатида юзага чиқди. Жамиятимизни сиёсий янгилаш ва ислоҳ этишининг ҳозирги босқичида ана шу вазифани амалга ошириш давлат-ҳуқуқий тизимини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.**

**Гулжаҳон ЖАББОРОВА**

РИВОЖЛАНГАН хорижий мамлакатларнинг демократик давлат қуриш, фуқаролик институтларини шакллантириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, иқтисодийнинг барқарор ривожланишига эришиш борасида тўплаган тажрибаси ва қўлга киритган ютуқлари фикримизнинг далилидир. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг кенг халқ муҳокамасига қўйилаётгани ҳам бежиз эмас.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда АҚШ Миллий демократик

денти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Амалдаги қонунлар мониторинги институти вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, қўмита раиси А.Саидов, Олий Мажлис Қонунчи-

ёсий партиялар фракциялари, жумладан, муҳолифат сифатидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолияти масалаларига алоҳида ургу берилди.

Давра суҳбати қатнашчиларида "Германия Федератив Республикаси парламентида сиёсий партиялар тараққиёти", "Россия Давлат Думасида парламент фракциялари ривожини", "Парламентда сиёсий партиялар фаолияти: Фран-

босқичма-босқич амалга оширилиши ва кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари қўйилаётган дадил одимлардир.

Шунингдек, маъзкур қонун лойиҳалари муҳокамаси мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг амалдаги ижросига, жамиятни янгилашга ижобий таъсир кўрсатиб, давлат ва жамият қурилишида сиёсий партияларнинг, қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг роли ва масъулиятини, давлат бошқарувининг жойлардаги конституциявий ваколатлари, мажбуриятларини оширишга ижобий туртки бўлиши алоҳида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари ҳуқуқий-сиёсий тизимнинг тадрижий ривожлантириш натижасидир. Маъзкур қонунлар лойиҳаларининг аҳамияти фақат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолияти билангина чеклани қолмайди. Ундаги қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнига ҳам чуқур таъсир ўтказди.

## **МУҲОКАМАДА: ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ**

институти ҳамкорлигида маъзкур қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнида сиёсий партиялар ҳамда давлат бошқарувининг ўрни ва моҳияти хусусида фикр-мулоҳазалар алмашиш асосий мақсад қилиб қўйилган ушбу халқаро тадбирда Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари ва экспертлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, сиёсий партиялар фаоллари, партия матбуоти ходимлари, юридик олий ўқув юрталари, республика Прези-



лик палатаси депутатлари З.Убайдуллаев, И.Насриев, ФЖХИ Эксперти Д.Максудовлар Конституциявий қонун лойиҳасининг модда-модда таҳлилига, унинг муҳим жиҳатларига эътиборни қаратдилар. Шунингдек, Олий Мажлисидаги си-

ция тажрибаси" мавзuida хорижий экспертлар қилган маърузалар катта қизиқиш уйғотди.

Иштирокчиларнинг фикрича, қонун лойиҳаларининг халқаро даражада муҳокама қилиниши мамлакатда сиёсий-ҳуқуқий тизимнинг

## **Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «Ёдгор» фермер хўжалиги жамоаси**

*кириб келаётган Янги йил ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан барча фермер ва қишлоқ хўжалиги ходимларини самимий табриклаймиз!*

*2007 йил мамлакатимиз ҳаётида тараққиёт сари кучли юксалиш йили бўлиб қолиши учун фидокорона меҳнат қиламиз ва барча касбдошларимизни ҳам шунга даъват этамиз.*

*Яхши ишлаб, яхши яшаш ва муносиб ҳаёт кечириб янги йилимизнинг асл мазмунини бўлиб қолсин!*





*Ҳаётдаги ҳар бир интилиш ва ҳаракат ўз самараси билан баҳоланади. Аслида ҳар бир кишига муайян иқтидор ато этилган, унинг юзага чиқиши эса кўп жиҳатдан оила ва мактабдаги тарбияга боғлиқ.*

Нурали ДАНОБОЕВ

БУГУН кўплаб ёшларимиз илм-фан, адабиёт, спорт, ахборот технологиялари соҳасида эришаётган оламшумул ютуқлари билан миллатимиз фахрига айланмоқда. Дунё аҳли ўзбек замини беназир истеъдодларга бой эканига яна қайтадан амин бўлаяпти. Бинобарин, бундай муваффақиятлар мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

ЮНЕСКОнинг Таиландда бўлиб ўтган «Ёш авлодлар ҳаракати» халқаро кўрик-танловида ихтиро, ҳайкалтарошлик, шеърият, рассомчилик, мусиқа каби йўналишларда дунёнинг 150 мамлакатидан ўқувчилар ўз ижод намуналари билан қатнашди. Иштирокчилардан 6 нафари голиб деб топилди.

## «ЁШ АВЛОДЛАР ҲАРАКАТИДА»

**халқаро кўрик-танловида ўзбек қизи голиб бўлди**

**СЕВИНЧ НОРҚОБИЛОВАНИНГ ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИР ЭКАНСИЗ, ЁШ ҚАЛАМҚАШНИНГ ТЕРАН ФИКР ВА ТАФАККУРГА БОЙЛИГИНИ ҲИС ЭТАСИЗ.**

Улар орасида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги инглиз тилига ихтисослашган 17-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Севинч Норқобилова ҳам бор. У танловнинг шеърият номинацияси бўйича муваффақият қозониб, ЮНЕСКО грантини кўлга киритди.

— Севинч Норқобилованинг «Тараққиёт» сарлавҳали шеърида бугунги глобаллашув, техник ва илмий тараққиёт, ватан ва миллат, инсон учун замонавий шароитда зарур бўлган энг муқаддас туйгулар тўқис ифодаланган, — деди голибга махсус диплом ва



эсдалик совғаларини топшириш чоғида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов. — Бу муваффақият халқимизнинг, ёшларимизнинг қувончига сабаб бўлди. Бугунги ўзбекистонлик ёшлар иқтидори, эришаётган юксак натижалар давлатимизнинг ўзига хос таълим сийсати самарасидир.

Дарҳақиқат, истеъдодли ёшларимиз са-

фининг кенгайишида мактаб таълим тизимининг аҳамияти катта. Мазкур лингвистик мактабда ўқувчилар чет тилларни чуқур ўрганиш баробарида бошқа фанларни ҳам яхши ўзлаштирадилар. Севинч Норқобилованинг шеърларини ўқир экансиз, ёш қаламқашнинг теран фикр ва тафаккурга бойлигини ҳис этасиз.

— Севинч тиришқок, масъулиятли ва истеъдодли қиз. У чет тилларини ҳам, бошқа фанларни ҳам яхши

ўзлаштиради, — дейди устози Муяссар Ҳайдарова. — Мактабимиздаги маънавий-маърифий тадбирларда ўз ижодий ишлари билан фаол қатнашиб келади. Сезган бўлсангиз, унинг эркин фикрлай олиши, ҳар бир нарсага ўз мулоҳазаси билан ёндашиши шеърларида ҳам акс этиб турибди.

Севинч ота-онаси истагандай қобил фарзанд бўлиб вояга етишни ва албатта, келажакда дипломат бўлишни орзу қилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

# АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

## ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ЖАМОАСИ

*Сизларни Янги йил билан чин қалбдан муборакбод этади!  
Келаётган 2007 йил  
Сизларга муваффақият ва хурсандчилик олиб келсин, барча тилақларингизни рўёбга чиқарсин!  
Атрофингизда доимо содиқ дўстларингиз ва ишончли ҳамкорларингиз бўлсин!*









*Андижон вилоятининг Избоскан туманида «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида 47 та мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 3700 нафардан зиёд болажонлар учун билим беришда тарбиячилар ноананавий усуллардан фойдаланмоқда. Республикада одобнома фанидан олиб борилаётган машғулотлар синов майдончаси сифатида айнан шу тумандаги 25-мактаб-боғча мажмуаси танланди.*

Шунингдек, мактаблар билан бир қаторда мактабгача таълим муассасаларнинг ҳам моддий техника базаси мустаҳкамланмоқда. 2005 йилда 2483650 сўмлик жиҳозлар олинган бўлса, жорий йилда 14729600 сўмлик турли жиҳозлар олинди. Мактабгача таълим муассасалари бюджет маблағлари ҳисобидан капитал таъмирдан чиқарилмоқда. Ҳомий ташкилотлар ҳамда саховатпеша тadbиркорлар ҳисобидан 39-боғча замонавий кўринишда таъмирланди.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

КАСАНАЧИЛАР КЎПАЙДИ

Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА

*Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари ва аъзолари Ҳомийлар ва шифокорлар йили доирасида ўтган 2006 йил давомида турли ҳомийлик ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишдек кўплаб савобли ишларни амалга оширдилар.*



АНА шундай савобли ишлардан бири партиянинг Марғилон шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳар ҳокими ва шаҳар Кенгаши депутатларининг иштирокида амалга оширилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Бахмал» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Абдурашид Жўрабоев шаҳардаги кам таъминланган оилаларга биттадан, жами 54 та, умумий қиймати 5 миллион сўмлик тикув машиналарини ҳада этди. Энг муҳими, ана шу тикув машиналарини қабул қилиб олган оилалар партиянинг Марғилон шаҳар кенгаши раиси А.Абдуллаев раҳбарлик қилаётган «Едгорлик» фирмасига касаначи сифатида бириктириб қўйилди. Шу тарика партия ўз дастурий вазифаларини амалга ошириш билан бирга аҳолининг бандлик муаммоларини бартараф этишга ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

УЧИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК БОЛАЛАРИ

Хикматуллох КОДИРОВ, «Жамият» муҳбири

Болаларни машғулотлар жараёнида мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини ўстириш йўналишида бир қатор ўқув методик тавсиялар ҳам яратилган. Вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида бу масалаларда кенг ўрин ажратилган.

— Дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчи ва тарбияланувчиларга билим беришда замонавий педагогик технологиялар-

дан фойдаланиб сабоқ бериш ўз самарасини бермоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Рустамжон Усмонов. — Ёш авлод онгида миллий истиқлол ғоясини сингдириш бўйича олиб борилаётган «Конституция — бахтимиз қомуси», «Президент асарларини ўрганамиз», «Буюк алломаларимиз меросини ўрганиш», «Сиз тарихни биласизми?» каби турли машғулот ва кўрик-танловлар орқали ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари шакллантирилмоқда.

Яқинда туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши муносабати билан тумандаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа ҳомийлар ёш авлодни пухта билим олиши, спорт машғулотлари билан мунтазам шуғулланиши учун зарур кўмак беришларини таъкидлаганлари ҳам юртимизда таълимга бўлган юксак эътиборнинг бир кўриниши деб билиш мумкин.

*Андижон вилояти Халқ таълими бошқармаси ва Асака тумани Халқ таълими бўлими жамоалари юртимиздаги барча ўқитувчи ва*

*мураббийларни Янги — 2007 йил муносабати*

*билан чин кўнгилдан муборақбад этади.*

*Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғдон муаллим.*

*Агар ҳаёт карвон бўлса, сарбон муаллим.*



*Янги йилда барча орзу-ниятларингиз рўёбга чиқсин, азиз ўқитувчилар!*





2007 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-9.00 «Йилнома» 9.00 Байрамнинг мубораки! 9.05 Мультфильм. 10.10 «Мухаббат, сен чиройлисан». Сарвара Одилова. 10.50 «Жумбоқ». Б/ф. 1-кисм. 12.05 «Жумбоқ». Б/ф. 2-кисм. 13.10 «Янги йил оханглари». 13.55 «Заковат». 14.55 «Калиш». Бадийий фильм. 15.25 Байрамнинг мубораки! 15.30 «Шурданак». 15.50 «Машхурада янги йил». 16.15 «Хиддий уйин». 17.15 «Янги йил оханглари». 18.00 «Интеллектуал ринг». 19.00 «Альо уйинчи». 19.15 «Байрамнинг мубораки!». 19.20 «Дунё иқлими». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.05 «Оддий хақиқатлар». Ток-шоу. 20.50 «Дунё иқлими». 21.00 «Ахборот». 21.40 «Янги йилда янги қўшиқлар». 23.00 «Бир кун Афанди». Б/ф 00.20-00.25 Тунги наволар.

YOSHLAR

6.55 Дастур очишлиши. 7.00 ЯНГИ ТОНГ. 8.00 Давр йилномаси. 8.30 Дунё таомлари. 9.00 Миллий кино: «Улфатлар». 10.40 Мультфильм. 12.10 Жаҳон киноси: «Янги йил уриси». 14.00 Мультфильм. 15.30 Жаҳон киноси: «Янги йил можароси».

TOSHKENT

7.30 Салом, Тошкент! 8.30 «Анонс». 8.35 «Эслайсизми, ёдингиздами?». 8.40 Болалар учун фильм: «Уйда ёлғиз». 2- фильм. 10.20 «Анонс». 10.25 «Тошкентда Янги йил». 1-кисм. 12.10 Кино: «Келгинди кувё». 14.10 «Анонс». 14.15 «Тошкентда Янги йил». 2-кисм. 16.15 «Телекурьер-маркет». 16.35 «Анонс». 16.40 «Янги йилни севаман». 18.15 Мультфильм. 18.25 «Анонс». 18.30 «Пойтахт». 18.45 «Анонс». 18.50 «Шунақа гаплар». 19.10 «Кор ёғар, ёғар». Х/ф. 19.25 «Аёл қалби». 20.05 «Телекурьер-маркет». 20.25 «Анонс». 20.30 «Антика томоша». 21.00 «Жозиб». 21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».

21.30 «Пойтахт». 21.45 «Анонс». 21.50 «Телекурьер - маркет». 22.10 «Анонс». 22.15 Х/ф «Янги йил таътиллари». 23.45 - 23.50 Хайрли тун, шаҳрим».

SPORT-TV

8.00 «Версия». 8.30 Мультсериал. 9.00 «Бардам бўлинг». 10.00 Мультфильм. 10.10 «Бечора Саша». Б/ф. 11.35 «Талкин». 12.10 «Музлик даври». Чизилган кино. 13.20 Янги йил хажвий дискотекаси. 15.05 Мультфильм. 16.30 «Хабарлар». 17.00 «Болалар спорти». 17.30 Ўзбек спортининг юлдази онлари. Доха-2006. 18.00 «Хабарлар». 18.20 «Дув-дув гап». 19.30 «Октош асираси». Б/ф. 21.00 «Карнавал оқшони-2, ёки 50 йилдан сунг». Б/ф. 23.40 «Кулгу юлдазилари». 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-Й КАНАЛ

10.00 - «Открытие программы». 10.05 - «Новогодний мультфильм». 10.30 - «Ирония судьбы, или с легким паром!». 13.30 «Новый год на 30 канале». 15.30 - «До-Ми-Соль шоу». 16.40 - «Новогодний мультфильм». 17.00 Дастурларнинг очишлиши. 17.05 «Мусликий дастур». 17.20 - НТТ Мультфильм. 17.30 - «Мусликий табассум». 18.00 - НТТ Мультфильм. 18.35 «Мусликий калейдоскоп».

19.00 - «Ошикона». 19.40 - «Гап хангомаси ёки тажир хазили». 20.00 - «Мусликий табассум». 21.00 Дастурларнинг очишлиши. 21.05 «Мусликий дастур». 21.40 - «Мусликий табассум». 22.10 - НТТ - «Б/ф» Иван Васильевич меняет профессию».

TV-MARKAZ

07.00 Янги йил тароналари 08.00 Кулги маркази 08.20 Янги йил тароналари 09.00 Миссия неперотирма 09.30 Янги йил тароналари 10.00 Юлдази пайшанба (SMS голуби хонадонда) 10.40 Янги йил тароналари 11.00 Кино «Келинлар кузголини». 12.30 Спецрепортаж (STYLE.uz) 13.00 Мультфильм 15.00 Top-10 (2005) 16.00 Кино «КАРИБ ДЕНГИЗИНИНГ КАРОКЧИЛАРИ. МАРХУМНИНГ САНДИГИ». 17.15 Янги йил тароналари 17.45 Кино «КАРИБ ДЕНГИЗИНИНГ КАРОКЧИЛАРИ. МАРХУМНИНГ САНДИГИ». 19.00 Top-20 (2006) Байрам сони 20.10 Кино «МИМИНО» 21.55 Янги йил тароналари 22.30 Кино «ТРИ-Х». 00.00-01.00 «Юлдази пайшанба» (Обид Асомов хонадонда)

ПЕРВЫЙ

5.30 «Новый год на Первом» 8.30 «Смех, да и только». Новогодний выпуск 10.00 Новости (с субтитрами) 10.10 Комедия «Бедная Саша» 11.30 Премьера «Ералаш» 12.00 Новости (с субтитрами)

12.10 «Ледниковый период» 13.20 Премьера. Новогодняя юмористическая дискотека 15.00 Новости (с субтитрами) 15.10 Премьера. «Приключения Верки Сердючки» 16.30 «Золотой граммофон» 19.30 Большая премьера. «Заяц над бездной» (2006 год)

РОССИЯ

06.00 Х/ф «32-е декабря». 07.45 М/ф: «Щелкунчик», «Снегурка». 08.20 Фильм-сказка «Огонь, вода и... медные трубы». 09.45 Концерт «Танцы на льду». 11.30 М/ф: «Трое из Простоквашино». «Зима в Простоквашино». «Каникулы в Простоквашино». 12.20 Комедия «Чудеса в Решетове». 14.00 «Вести». 14.20 Комедия «Невероятные приключения итальянцев в России». 16.00 - Песня года. 16.15 «Юмор года». 21.00 Комедия «Профессор в законе». 23.00 Х/ф «Властелин колец: Братство кольца». 01.55 Комедия «Приключения Плуто Нэша». (США). 03.30 Х/ф «Сияние», 1 с. (США).

НТВ

07.10 Комедия «Люби меня». 08.45 «Сказки Баженова». Новогодний выпуск. 09.40 М/ф «Щелкунчик». 11.05 Т/с «Д Арташян и три мушкетера».

16.00 «Сегодня». 16.20 Комедия «Старые клячи». 19.00 «Сегодня». 19.30 Комедия «Полосатый рейс». 21.15 «Александр Новиков. Улица любви». 22.55 Х/ф «Безумный день, или Женитьба Фигаро». 01.25 Комедия «Принц и я».

ТНТ

07.00 М/ф «Когда зажигают елки». 08.15 Комедия «Франтоши уходит на пенсию». (Италия). 04.50 «Просто цирк». 07.00 М/ф «Когда зажигают елки». 08.15 М/ф «Болек и Лелек». 10.00 М/ф «Даша-следопыт». 10.30 М/с «Как говорит Джинджер». 11.00 М/ф «Ракетная мощь». 11.30 М/с «Эй, Арнольд!». 12.50 М/с: «Сказки лесных человечков». «Как Кржемелик и Вахмура натеерлись от злого рака». «Как Кржемелик и Вахмура не попробовали повидло». 13.10 М/с «Вокруг света за 80 дней», 1 и 2 с. (Австралия). 14.05 М/с «Охотники на драконов». 15.20 Мелодрама «Бобби», 2 с. 17.00 Шоу «Дом 2. Про Любовь». 18.00 Счастливы вместе. 19.00 Такси. 19.30 Т/с «Саша + Маша». 20.00 «Звезды против кароке». 21.00 Шоу «Дом 2. Про Любовь». 22.00 Т/с «Комеди Клаб». 23.00 Т/с «Наша Russia», 1 с. 23.30 Т/с «Женская лига», 1 с. 00.00 Фантастика «Бункер, или Ученые под землей», 1 и 2 с.

00.55 Шоу «Дом 2. После заката». 01.25 Шоу «Дом 2. Любовь». Как все начиналось. 02.25 «Взрослые игры». 02.55 Мелодрама «Бобби», 2 с. 04.35 «Ночные игры». 05.35 Настоящий мужчина.

СТС

08.00 М/ф «Сказка о Золотом петушке». 08.35 Х/ф «Садко». 10.00 Мультфильм. 18.00 История в деталях. 18.30 Мультфильм. 20.15 Х/ф «Ночной базар». 22.45 Умапетот. 23.00 Х/ф «Райское наслаждение». 01.20 Х/ф «Американский пирог». 03.15 Х/ф «Ночь на земле». 05.25 Х/ф «Тантвенный поезд».

DTV-VIASAT

09.30 Музыка на ДТВ. 09.30 Мультфильм. 11.40 Х/ф «Макар-следопыт». 13.05 Х/ф «Макар-следопыт». 14.30 Х/ф «Макар-следопыт». 16.00 Х/ф «Узник замка Иф». 17.25 Х/ф «Узник замка Иф». 18.55 Х/ф «Узник замка Иф». 21.00 Комедия «Дон Сезар де Базан». 22.30 Комедия «Дон Сезар де Базан». 00.00 Т/с «С.С.И. Место преступления Лас-Вегас». 01.00 Х/ф «Психоз 2». 03.20 Каприз. 03.50 Т/с «Святой дозор». 04.35 Т/с «Святой дозор». 05.15 Ночной клуб. 06.15 Ночной клуб. 07.15 Музыка на ДТВ.

СЕШАНБА, 2 ЯНВАРЬ

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.40 Отпир мерос. Кишки таътил кунларида: 8.45 1. «Уйда! Изла! Топ!» Телемусобака. 2. «Янги йил эртани». Видеофильм. 10.55 «Дунё иқлими». 11.00 «Ахборот». 11.15 «ТВ шифокор». 11.20 «Нам ва наво». 12.00 «Ахборот». 12.10 «Дил таронаси». 12.15 «Мозий сирлари». 1-кисм. 12.35 «Икки кишилик вокзал». Бадийий фильм. 1-кисм. 13.45 Отпир мерос. 13.55 «Дунё иқлими». 14.00 «Ахборот». 14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция». Хужжатли сериал. 15.10 «Янги йил оханглари». 15.40 «Хажвия бисотидан». 16.10 ТВ анонс. 16.15 «Байрам нашидаси». Карши. 16.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар». 17.00 «Ахборот». 17.15 Эски альбом. 17.20 «Эркин иктисодиёт». 17.40 «Овчи». 18.00 «Оханглар оғушида». 18.10 2007 йил - Иктисодий имомия йили. «Яхшилик». 18.30 «Янги йилда янги қўшиқлар». 19.15 «Сизнинг адвокатингиз». 19.20 «Дунё иқлими». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». Т/с. 20.50 «Дунё иқлими». 21.00 «Ахборот». 21.40 «Янги йилда янги қўшиқлар». 23.00 «Хавт гузал». Т/с. 00.05-00.10 Тунги наволар.

YOSHLAR

5.55 Дастур очишлиши. 6.00 ЯНГИ ТОНГ. 8.00 «Севиганлар». Сериал. 8.35 Бурч ва шараф. 8.40 Бу шундай бўлган эди. 9.00 Давринг боласи. 9.15 «Алломиш». Мультсериал. 9.35 Болалар табассуми. 9.40 Эврика. 9.55. 21.10 Омон бўлинг! 10.00 Давр. 10.15 Тафаккур нури. 10.20 «Мухаббат қахваси». Т/с. 11.00 Кулгу-шоу. 11.45 Усмилрлар симфонияси. 12.00 ЯНГИ КУН. 13.00 Давр. 13.15 Ватаним! 13.20 CINEMANIYA. 13.50 «Мухаббат дардлари». 14.30 Жаҳон киноси: «Никоб». 16.00 Давр. 16.15 Янги наволар. 16.30 Таътил тухфаси: «Гарри Поттер ва Хикматлар тоши». 17.45 Мухлис-шоу. 18.30 Янги наволар. 18.45 Давр-репортаж. 18.55. 21.55 Иқлим. 19.00 ДАВР. 19.30 «Севиганлар». Сериал. 20.10 JOKER телелотереяси. 20.15 Наво-SMS. 20.40 Тасвир ва таассурот. 21.00 Эълонлар. 21.15 «Мухаббат дардлари». 22.00 ДАВР. 22.30 Янги наволар. 22.45 «Саломея». Сериал. 23.40 - 23.45 Тафаккур нури.

TOSHKENT

7.30 Салом, Тошкент! 8.30 «Анонс». 8.35 «Гвадалупе». Телесериал. 9.15 «Эслайсизми, ёдингиздами?».

9.20 «Телекурьер-маркет». 9.40 Кино: «Уйда ёлғиз - 3». 11.20 «Анонс». 11.25 «Муслика SMS». 11.45-12.55 Мультфильм 17.50 Курсатувлар тартиби. 17.55 Мультфильм. 18.05 «Телекурьер-маркет». 18.25 «Анонс». 18.30 «Пойтахт». 18.45 «Анонс». 18.50 «Гвадалупе». Телесериал. 19.30 Муслика SMS. 19.50 «Хумоя». 20.00 «Пойтахт». 20.15 «Анонс». 20.20 Хайвонот дунёси: «Африка дарёлари хужумлори». 1-кисм/рус/. 20.50 «Репортаж». 21.00 «Жозиб». 21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».

21.30 «Пойтахт». 21.45 «Анонс». 21.50 «Телекурьер-маркет». 22.05 «Биринча буса». Қисқа метражли бадийий фильм. 22.30 «Пойтахт». 22.45 «Анонс». 22.50 Кино. «Клик». /рус/. 00.35 - 00.40 Хайрли тун, шаҳрим».

SPORT-TV

7.00 «Бардам бўлинг». 8.00 «Хабарлар» (рус тилида) 8.20 «Болалар спорти». 8.35 Мультсериал. 9.00 «Хабарлар» (узб. тилида) 9.25 «Мониторинг». 9.45 «Ким нимага қодир». 10.10 «Малахов+». 11.30 «Хамма уйдалигида». 12.00 «ХАБАРЛАР». 12.10-13.40 «Аёзбобо». Х/ф. 18.00 «Болалар спорти». 18.15 Мультсериал. 18.30 «Хабарлар» (рус тилида) 18.50 «Уз-узига режиссёр». 19.30 Ўзбек спортининг юлдази онлари. Доха-2006. 20.00 «Вести». 20.20 «Фурур». Сериал. 21.10 «Баходирлар уйини». 21.30 «Хабарлар» (узб. тилида) 21.50 «Калбим наволари».

23.15 «Ишдаги ишк» Б/ф. 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-Й КАНАЛ

12.00 - «Открытие программы». 12.05 - «Теле-хамкор». 12.25 - «Мусликий табассум». 13.25 - «Мультфильм». 13.40 - «Мусликий табассум» музыкальная передача 14.00 - «Приключения кота Леопольда», мультфильм 15.30 - «Ошикона» 16.10 - «Аёллар орузи» 16.45 - «Теле-хамкор» 17.00 Дастурларнинг очишлиши 17.05 «Мусликий дастур» 17.20 - НТТ - Мультфильм 18.40 «Мусликий калейдоскоп» 19.00 - «Ошикона» 19.40 - «Теле-хамкор» 20.00 - «Мусликий табассум» 21.00 Дастурларнинг очишлиши 21.05 - НТТ - Ток-шоу - «Народная арена» 21.40 - «Мусликий табассум» 22.10 - НТТ - «Бадийий фильм» «Бриллиантовая рука»

TV-MARKAZ

07.00 «Премьера» (узб.) 07.20 Ўзбек наволари 08.00 «Премьера» (рус.) 08.20 Мировые хиты 08.30 Ўзбек наволари 09.00 Сериал 09.50 Мировые хиты 10.20 Ўзбек наволари 11.00 Худ. фильм «ТРИ-Х» 12.30 Мировые хиты 13.30 «Премьера» (узб.) 13.50 Ўзбек наволари 14.30 «Премьера» (рус.) 14.50 Мировые хиты 15.00 Теленяня 15.45 Мировые хиты 16.00 «Спецрепортаж» 16.20 Ўзбек наволари 17.30 Мировые хиты 18.00 «Премьера» (узб.) 18.20 Ўзбек наволари

19.00 «Премьера» (рус.) 19.20 Сериал 20.10 Ўзбек наволари 21.10 Мировые хиты 22.00 Худ. фильм «ВНУТРЕННИЙ КОСМОС» 00.15 Мировые хиты

ПЕРВЫЙ

6.00 Комедия «Порозенок в городе» 7.30 Комедия «Чародей» 10.00 Новости (с субтитрами) 10.10 «Малахов +» 11.10 «Пока все дома» 12.00 Новости (с субтитрами) 12.10 Комедия «Один дома-4» 13.40 Премьера. «Смешные люди». Новогодний выпуск 15.00 Новости (с субтитрами) 17.15 Т/с «Возвращение Мухтара 2». 15.10 Комедия «Операция «Ы» и другие приключения Шурика» 16.50 Премьера. «Старые песни о главном». Концерт в Кремле 19.40 Нарисованное кино. «Мадагаскар» 21.00 Время 21.20 Х/ф «Человек-паук 2» 23.30 Премьера. «Джохета 80-х» 2.15 Триллер «Море любви» 3.00 Время 3.20 Триллер «Море любви». Продолжение 4.25 Комедия «Автомобильная останова»

РОССИЯ

05.50 Комедия «Люди и манекены». 07.10 «Приключения Буратино». 09.25 Комедия «Невероятные приключения итальянцев в России». 11.05 Х/ф «Властелин колец: Братство кольца». 14.00 «Вести». 14.20 Комедия «Кавказская пленница, или Новые приключения Шурика». 15.45 «Песня года». 17.45 «Юмор года». 21.00 Х/ф «Троя». (США). 23.40 Х/ф «Ультрафиолет». 01.05 Х/ф «Меркурий в опасности». 03.00 Х/ф «Сияние», 2 с.

(США).

НТВ

05.45 Х/ф «Государственная граница». «Мы наш, мы новый...» 08.00 «Сегодня». 08.15 Т/с «Винтовая лестница». 10.00 «Сегодня». 10.15 Т/с «Граф Монте-Кристо». 12.05 «Кулинарный поединок». 13.00 «Сегодня». 13.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей». «Дело №1999», ч. 1. 14.25 «...Буду ждать тебя». 16.00 «Сегодня». 16.20 Боевик «Родина ждет». 17.15 Т/с «Возвращение Мухтара 2». 19.00 «Сегодня». 19.30 «Улицы разбитых фонарей». 21.20 Т/с «Бес в ребро, или Великолепная четверка». 23.05 Т/с «Взять Тарантино». 00.50 Т/с «Граф Монте-Кристо». 02.35 Т/с «Возвращение Мухтара 2». 04.15 Т/с «Бес в ребро, или Великолепная четверка». 07.00 М/ф «Василиса Прекрасная». 07.25 «Любовь и тайны Сансет Бич». 08.15 Мультфильм. 15.25 Мелодрама «Загадка любви», 1 с. (Индия). 17.00 Шоу «Дом 2. Про Любовь». 18.00 Счастливы вместе. 19.00 Такси. 19.30 Т/с «Саша + Маша». Дайджест. 20.00 Звезды против кароке. 21.00 Шоу «Дом 2. Про Любовь». 22.00 Т/с «Комеди Клаб». 23.00 Т/с «Наша Russia», 2 с. 23.30 Т/с «Женская лига», 2 с. 00.00 Фантастика «Бункер, или Ученые под землей». 00.55 Шоу «Дом 2. После заката».

ТНТ

07.00 М/ф «Василиса Прекрасная». 07.25 «Любовь и тайны Сансет Бич». 08.15 Мультфильм. 15.25 Мелодрама «Загадка любви», 1 с. (Индия). 17.00 Шоу «Дом 2. Про Любовь». 18.00 Счастливы вместе. 19.00 Такси. 19.30 Т/с «Саша + Маша». Дайджест. 20.00 Звезды против кароке. 21.00 Шоу «Дом 2. Про Любовь». 22.00 Т/с «Комеди Клаб». 23.00 Т/с «Наша Russia», 2 с. 23.30 Т/с «Женская лига», 2 с. 00.00 Фантастика «Бункер, или Ученые под землей». 00.55 Шоу «Дом 2. После заката».

01.25 Шоу «Дом 2. Любовь». Как все начиналось. 02.25 «Взрослые игры». 02.55 Мелодрама «Загадка любви», 1 с. (Индия). 04.25 «Ночные игры». 05.25 Настоящий мужчина.

СТС

08.00 М/ф «Аленький цветочек». 08.40 Х/ф «Пятнадцатилетний капитан». 10.00 М/с «Смешарики». 10.30 Блокбастер «Бибси». 11.00 Мультфильм. 15.40 Х/ф «Золотое путешествие Синдбада». 17.40 М/ф «Ну, погоди!». 18.00 История в деталях. 18.30 М/ф «Русалочка». 19.10 М/ф «Тарзан И Джейн». 20.25 М/ф «Том и Джери». 21.25 М/ф «История игрушек». 22.45 Умапетот. 00.45 Х/ф «ДМБ 002». 02.15 Х/ф «ДМБ 003». 03.40 Х/ф «Легенды осени». 05.50 Х/ф «Странно, как в раю». 07.15 Музыка на СТС.

DTV-VIASAT

09.00 Музыка на ДТВ. 09.05 Шоу российских режиссеров. 09.50 Мультфильм. 11.55 Х/ф «4.0 в пользу Тачеки». 13.55 «Каламбур». 14.30 Х/ф «Гусарская баллада». 16.35 Мультфильм. 17.00 Х/ф «Кольцо Нибелунгов». 19.00 Х/ф «Кольцо Нибелунгов». 21.00 Х/ф «Выстрел в гробу». 22.20 Х/ф «Выстрел в гробу». 23.55 Т/с «С.С.И. Место преступления Лас-Вегас». 00.55 Х/ф «Психоз 3». 03.00 Девушки в бикини. 03.30 Т/с «Святой дозор». 04.15 Т/с «Святой дозор». 04.55 Ночной клуб. 05.55 Ночной клуб. 06.55 Музыка на ДТВ.



ЧОРШАНБА, 3 ЯНВАРЬ

OSBEKISTON O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.40 Олтин мерос. Кишки таътил кунларида: 8.50 1. «Простаквашинлик учовони». Мультфильм. 2. «Авз бобо». Бадий фильм. 10.30 «Одамлардан бири». 10.50 «Сизнинг адвокатингиз».

9.25 Болалар табассуми. 9.30 Шум болалар. 9.45 Болалар шеърлери. 9.55, 21.10 Омон бўлинг! 10.00 Давр. 10.15 Тафаккур нури. 10.20 «Мухаббат қаваси». Т/с. 11.00 Ватанпарвар. 12.00 ЯНГИ КҮН. 13.00 Давр. 13.15 Ватаним! 13.20 Харбийлар куйлаганда. 13.30 Тасвир ва таассурот. 13.50 «Мухаббат дардлари». 14.30 Комедия: «Бахт кулиб боқилда».

6.25 Фильм «Щелкунчик»  
7.55 «Православное рождество в Африке». Док/ф  
8.20 «Здоровье»  
9.00 «Слово пастыря»  
9.15 «Играй, гармонь любимая!»  
10.00 Новости  
10.30 Х/ф «Князь Владимир»  
12.00 Новости (с субтитрами)  
12.15 Комедия «Сирота казанская»  
13.40 «Самый веселый концерт»  
15.40 Комедия «Моя мама - невеста»  
17.00 Премьера. Юбилейный концерт Надежды Бабкиной  
18.00 Новости (с субтит-

рами)  
18.10 Концерт Надежды Бабкиной. Продолжение  
19.05 Комедия «Продается дача» (2005 год)  
21.00 Время  
21.20 Рождественский вечер с Максимом Галкиным  
23.55 Комедия «Реальная любовь»  
2.20 Комедия «Он сведет меня с ума»  
4.15 Муз. фильм «Сорокчская ярмарка»

**РОССИЯ**  
06.00 Фильм-сказка «Садко»  
07.30 Х/ф «Обыкновенное чудо»  
10.05 М/ф.  
11.00 Х/ф «Афоня»  
12.40 «Великая тайна воды»  
14.00 «Вести»  
14.20 Комедия «Верные друзья»  
16.15 Мультфильм.  
17.20 Юбилейный вечер В. Винокура.  
20.00 «Вести»  
20.15 Х/ф «Остров»  
22.05 Х/ф «Невеста»  
23.30 Комедия «Любовь с уведомлением» (США).  
01.20 Комедия «Плюшевый синдром». (Франция).  
03.15 Х/ф «Короткое время»

**НТВ**  
05.45 Х/ф «Государственная граница». «За порогом победы»  
08.00 «Сегодня»  
08.15 Лотерея «Русское лото»  
08.40 «Их нравы»  
09.25 «Един дома»  
10.00 «Сегодня»  
10.20 «Тор gear»  
10.55 Х/ф «Освободите Вилли»  
13.00 «Сегодня»  
13.20 Т/ф «Мир драконов»  
14.10 Комедия «Президент и его внучка»  
16.00 «Сегодня»  
16.20 Т/с «Родина ждет»  
17.15 «С днем рождения, Сергей!», ч. 2.  
19.00 «Сегодня»  
19.30 Комедия «Иван Бровкин на целине»  
21.20 Т/с «Бес в ребро, или Великолепная четверка».

23.00 «Москва - Ялта - транзит». Избранное.  
00.45 Комедия «О кей!»  
02.30 Т/ф «Мир драконов»  
03.15 Т/с «Бес в ребро, или Великолепная четверка»  
04.50 «Просто цирк».

**TNT**  
07.00 М/ф «Халиф-аист»  
07.25 «Любовь и тайны Сансет Бич»  
08.10 Мультфильм.  
15.05 Боевик «Я рядом с тобой», 2 с. (Индия).  
17.00 Шоу «Дом 2. Про Любовь»  
18.00 Счастливы вместе.  
19.00 Такси.  
19.30 Т/с «Саша + Маша». Дайджест.  
20.00 «Звезды против кароке»  
21.00 Шоу «Дом 2. Про Любовь»  
22.00 Т/с «Комеди Клуб на Пафосе»  
23.00 Т/с «Наша Russia», 7 с.  
23.30 Т/с «Женская лига», 7 с.  
00.00 Фантастика «Бункер, или Ученые под землей»  
00.55 Шоу «Дом 2. После заката»  
01.25 Шоу «Дом 2. Любовь». Как все начиналось.  
02.25 «Взрослые игры»  
02.55 Боевик «Я рядом с тобой», 2 с. (Индия).  
04.50 «Ночные игры»  
05.50 Настоящий мужчина.

**СТС**  
08.00 Мультфильм.  
08.35 Х/ф «Рождественский переворот»  
10.00 М/с «Смешарики»  
10.30 Блокбастер «Биби»  
11.00 Мультфильм.  
12.00 Х/ф «Однажды в Рождество»  
14.00 Х/ф «Миллионы»  
16.00 Х/ф «Ловушка для родителей. Медовый ме-

сяц на Гавайях»  
17.50 М/ф «Ну, погоди!»  
18.00 Истории в деталях.  
18.30 Мультфильм.  
19.00 Х/ф «Принц Велиант»  
20.50 Х/ф «Домашний арест»  
23.00 Х/ф «Поездка в Америку»  
01.20 Мультфильм.  
02.50 Х/ф «Азартные игры»  
04.40 Х/ф «Свидетель»  
06.20 Фильмы производства BBC.  
07.10 Музыка на СТС.

**DTV-VIASAT**  
09.00 Музыка на ДТВ.  
09.05 Шоу российских рекордов.  
09.55 «Тысяча мелочей»  
10.25 Мультфильм.  
12.15 Х/ф «Путешествие к центру земли»  
13.35 Х/ф «Путешествие к центру земли»  
14.25 Д/с «Как ухаживали кумыры». Дворожкине.  
15.30 Д/с «По законам детектива»  
16.25 Шоу рекордов Гиннесса  
17.30 Самое невероятное видео.  
18.30 Самое смешное видео.  
19.00 Смешная реклама.  
19.30 «Осторожно, афера!»  
19.55 «Территория призраков»  
20.55 Чемпионат анекдотов.  
21.55 Х/ф «Жених на прокат»  
00.00 Т/с «C.S.I. Место преступления Лас-Вегас»  
01.00 Т/с «C.S.I. Место преступления Лас-Вегас»  
0.0 «Территория призраков»  
1.0 Т/с «Следствие ведет Да Винчи»  
04.50 Ночной клуб.  
06.50 Музыка на ДТВ.

**КУЛГУ БУРЧАГИ**

Журнал ўқиб ўтирган хотин эрига дебди:  
— Янги йилда тугмасиз қўйлак қийш урғ бўлар экан.  
— Э, бунч қара-я. Мен ўн беш йилдан буйн энг сўнги урғ-да қийнаётган эканман-да!..









# ОЛМАЛИК КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ

Келажакни буюк мамлакатимиз салоҳиятини бутун  
жаҳонга танитаётган, адолатли жамият,  
фаровон ҳаёт қуриш йўлида шахдам оқил ташлаётган  
халқимизни Янги — 2007 йил билан муборакбод этади.  
Мустақиллик йилларида миллий тафаккур ва Ватан  
тўйғуси кўчайди. Ватанимизнинг беқирёс  
бойликлари эса юртимиз куч-қудратини оширишга  
хизмат қилаётти. Ижтимоий ҳимоя йилида  
мамлакатимиз бойликларини янада кўпайтириш,  
борини эса асраб-авайлаш учун меҳнатимизни  
ва ғайратимизни аямаймиз!

Янги йилнингиз кўтлуге бўлсин, азиз юртдошлар!





**Истиқлол йилларида анъанага айланган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг довруғи йилдан-йилга ошмоқда. Гўзал Самарқанд кириб келаётган 2007 йилда "Шарқ тароналари"нинг навбатдаги VI анжуманини ўтказилади. Бу нуфузли халқаро фестивалнинг иштирокчиси бўлиш ҳар бир санъаткор учун катта синов ва юксак шарафдир. Сўхбатдошимиз ана шу юксак халқаро фестивалнинг олий мукофоти — Гран При соҳибаси, "Шарқ булбули" унвонига сазовор бўлган хушовоз хонанда, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Насиба САТТОВА.**



# ШАРҚ БУЛБУЛИ

**мумтоз кўшиқчилигимиз, "Шарқ тароналари" ва умуман санъат ҳақида**

— Насиба опа, нисбаи шарифларингиздаги ўхшашлик ва Шахрисабзда туғилиб ўсганлигингиз боис хушовоз хонанда Марям Сатторова иккалангизни опасингил деб ўйловчилар ҳам кўп.

— Буни ўзим ҳам биламан. Биз опа-сингил бўлмасак-да, буюк бобокалонимиз Амир Темура таваллуд топган кўхна Кешнинг ҳозирга қадар яшаб келаётган бой маънавий-маданий анъаналари рудидан бирдек баҳраманд бўлганмиз. Эҳтимол, мумтоз кўшиқларни севиб куйлашимиз сабаби ҳам шундадир.

— Шахрисабзда камол топган ёш истеъодларнинг овоз салохиятига муайян йўналиш берадиган муҳитни сиз кўпроқ нималарда деб биласиз?

— Шахрисабзда кўп йиллардан буён фалият олиб бораётган халқ театри бу кўхна шаҳарнинг илдизлари теран маънавий муҳитини жонлантириб турган ўзига хос боқий чашма, десам муболага бўлмайди. Истеъдоди мамлакат ва ундан ташқарида ҳам эътироф этилган жуда кўп хонандаларимиз илк сабоқни мана шу даргоҳда олганлари билан бениҳоя фахрландилар. Мен ва бошқа санъаткорларимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Элмурод Боймуродовдан жуда миннатдормиз. Шунинг билан Тўхтамиевнинг "Бу гулшан саҳнида" деб номланган китобида эътироф этилганидек, Элмурод Боймуродов истеъдодли ёшлар билан алоҳида жуда шуғулланади. Уларнинг овоз имкониятларини теран идрок этган ҳолда камолга етказиб бориш учун жон куйдиради. Шахрисаб

шаҳар маданият саройи қошидаги мақомчилар гуруҳи, болалар фольклор-этнографик ҳамда ашула ва рақс ансамбллари, шунингдек, "Шаҳри Кеш", "Шодиёна", "Сарвиноз", "Қалдирғоч" ва бошқа ўнлаб хаваскорлик жамоаларининг машҳур бўлишига унинг ижодий меҳнати кўп синган. Шу жумладан, менинг ҳам пойтахтнинг юксак маданий муҳитида тобланишимда Элмурод ака раҳбарлигидаги Шахрисабз халқ театрида олган сабоқларим ўзига хос пойдевор бўлган.


— Сизнинг бетақдор ижрочилик санъатингиз 1999 йили "Шарқ тароналари" II халқаро мусиқа фестивалининг олий соврини билан тақдирланган эди. Айтингчи, ўша фестивал кунлари Сизда қандай таассурот қолдирган? Кейинги анжуманлар-чи?

**— МУСИҚА, ОХАНГ ЎЗ ТАБИАТИГА КЎРА УМУМИНСОНИЙ МОҲИЯТГА ЭГА. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ САНЪАТНИ СЕВУВЧИ ҲАР ҚАНДАЙ ИНСОН МУМТОЗ КЎШИҚЛАРИМИЗНИ БЕМИСЛ ХАЙРАТГА ЧЎМИБ ТИНГЛАЙДИ.**

— Тўғриси айтсам, ўшанда жуда кўрққанман. Ахир дунёнинг жуда кўп мамлакатларидан зўр санъаткорлар келишган, улар билан беллашиш ҳам фахр, ҳам катта масъулият талаб этарди. Мен мажкур халқаро мусиқа фестивалини ҳар гал катта ҳаяжон билан кузатаман. Айниқса, Озарбайжон, Олтой ва Тувадан ташриф буюрадиган санъаткорлар ижросини, асл шарқона оҳангларимизни сеҳрланиб тинглайман.

Бу кўшиқларнинг гўзал жозибасини юрак-юрагимдан ҳис этаман. Улар қадимий Самарқанд заминидан ўз миллий ашулаларини бутун дунё кўз ўнгида ижро этишни ўзларига фахр деб билдилар.

Эсингизда бўлса, 2003 йилги IV фестивалга олис Тувадан келган "Уран-Хай" ансамбли "Энасой" деган миллий кўшиғи учун Гран При билан тақдирланган эди. Ҳамон кулоқларим остида ана шу кўшиқ оҳанглари садо бераётгандек туюлади. Унинг сеҳри ва қудратини ҳис этгандек бўламан. Ўзимизнинг халқ бахшиларимиз куйлаётган оҳанглари ёдга солувчи, бироқ яқка овоз эмас, беш киши жўр бўлиб куйловчи "Эне сайим, сайим, сайим" садоларида табиат ва мусиқа уйғунлашиб кетган. Буюк кенгликларнинг улуғвор сукунати аро ўқирган шамол, ўрмон



**лан тинглаётган миллий оҳангларимизни хорижда нега бунча яхши кўришади. Бунинг сабабларини сиз нимада деб ўйлайсиз?**

— Мусиқа, оҳанг ўз табиатига кўра умуминсоний моҳиятга эга. Шунинг учун ҳам ўзга тилда ижро этилаётган бирор кўшиқ сўзини тушунмасак-да, мазмунини оҳангларга жон бўлганидан уни бемаъллол тушунгандай бўламиз. Менимча, бизнинг миллий куй ва кўшиқларимизда халқимиз даҳосининг бетақдор қудрати, буюк сеҳр ва жозоба мавжуд. Шунинг учун ҳам санъатни сеувачи ҳар қандай инсон мумтоз кўшиқларимизни бемисл хайратга чўмиб тинглайди.

Жанубий Корея Мусиқа академиясининг директори, "Шарқ тароналари"нинг 2001 йилги III фестивали ҳакамлар ҳайъати раиси жаноб Хан Мун Хи матбуотимиздаги чиққларидан бирида "Фарбда маданиятлар аллақачон умумлашиб бўлди. Лекин Шарқ хали ўзлигини сақлашга ҳаракат қиялпти" деган эди. Менимча, Шарқнинг ўзига хос, бетақдор оҳанглар зеб берган мусиқа маданиятини нафақат асраш ва сақлаб қолиш, шу билан бирга, янада бойитиш ва тарғиб қилиш йўлидаги сазй-ҳаракатлар, айниқса, "Шарқ тароналари" каби фестивалларда

тўқис намоён бўлмоқда. Эҳтимол бизнинг хорижий санъат мухлислари томонидан олқиш билан кутиб олинишимиз, ашулаларимизнинг севиб тинганиши боиси ҳам шундадир. Улар бизнинг тобора гуллаб-яшнаётган ўзига хос миллий мусиқа маданиятимиз билан учрашганда ўзларининг бой берилган ўтмиш маданиятини эсга олиб, орзу-армонлари билан юзлашгандек бўлсалар ажабмас.

Дарҳақиқат, жаноб Хан Мун Хи айтганидек, ана шу ўзликни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш бизнинг бурчимиз. ЮНЕСКОнинг Бойсун, Бухоро, Шахрисабз, Хива ва бошқа шаҳарларимизга хос бўлган маданий-руҳий сарчашмаларни инсониятнинг нодир бойликлари қаторида рўйхатга олиб, уни асраб қолиш йўлида биз билан ҳамкорлик қилаётгани сабаби ҳам шунда эмасми?!

Энди ёшларимизнинг кўшиқ тинглаш маданиятига келсак, шуни айтиш керакки, ёшлар ўз табиатига кўра ўзига анчайин нотаниш, кўзига ялтираб кўринувчи нарсаларга ҳамisha ўчроқ. Колаверса, бунда улар ўсган оила муҳити, мактаб ва тенгдошлари дид-савиясининг ҳам таъсири йўқ эмас. Болаларнинг мусиқий дидини шакллантиришга ҳам худди уларнинг савод чиқариши-

га қараганимиз каби эътиборли бўлишимиз лозим.

— Сиз "Ушшоқ", "Дугоҳ", "Сеғоҳ", "Гулузорим" каби бир қанча мумтоз ашулаларимизни нафис овоз ва қалб ҳарорати билан маромига етказиб куйлайсиз. Янги йилда мухлисларингизни қандай янги кўшиқлар билан хушнуд этмоқчисиз, қайси бастакорлар билан ижодий ҳамкорлик қилаяписиз?

— Сиз тилга олган мумтоз ашулаларни элга манзур бўларли даражада куйлашда Орифжон Ҳотамов, Фаттоҳон Мамадалиев, Улмас Расулов, Абдухашим Исмоилов каби устозларим, шунингдек, турмуш ўртоғим Рустам Абдуллаевдан олган сабоқларимнинг таъсири катта деб ўйлайман. Бу йил CD ва DVD дискларига ашулаларим ёзилган альбом чиқардим. Ойнаи жаҳоннинг "Ўзбекистон" телеканали томонидан янги йил арафасида намойиш этиш учун катта концертим ёзиб олинди. Бундан ташқари, яқинда танқили бастакор Улмас Расулов мумтоз шоиримиз Муқимийнинг "Ул кун жонон" деб бошланувчи ғазалига куй ёзиб берди. Янги йилда ана шу икки қисми ашула ва бир неча халқ йўлидаги кўшиқларни мухлисларга ҳавола қилиш ниятидаман. Имкониятдан фойдаланиб, "Жамият" газетасининг барча мухлисларини кириб келаётган янги 2007 йил билан самимий кутлайман. Хонадонларингизда ҳамонаша дилбар куй-кўшиқлар аримасин, дейман.

**Сўхбатни Насима АБДУЛЛАЕВА ёзиб олди**





*Тарих илмида VII-XII асрлар Муслмон Ренессанси («Уйғониш даври») деб аталади. Бу даврда Шарқнинг ўнлаб йирик шаҳарларида таниқли олимлар, шоирлар, астрономлар яшаб, ижод этган. Халифалар саройида эса ўзига хос Академиялар вужудга келган. Баъзи хукмдорларнинг орзу-ҳаваси, бошқаларининг чинакам қизиқиши туфайли катта-катта кутубхоналар барпо этилди.*

Носир МУҲАММАД

**МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ИЛМ ва санъат хомийларидан бири халифа ал-Маъмун ар-Рашид (813-833) эди. У Бағдодда ташкил қилган «Байт ул-ҳикмат» («Билим уйи»), яъни ўзига хос академияда баъзи пайтлар 400 мингтагача қўлёзма сақланган. Араб ва юнон тилларидан ташқари, яҳудий, санскрит, сурёний, форс, хитой, копт тилларида ҳам китоблар бўлган. Энг но-

Хиндистон, Византия, Волганнинг куйи оқими-га жўнатган.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли кўпгина нодир асарлар келгуси насллар учун



Суратда: Хоразм Маъмун Академияси

# МАШҲУР ИЛМ МАСКАНЛАРИ

шхур бўлган бу марказда фаннинг турли соҳаларида тадқиқотлар олиб борилган. Ҳинд, юнон, араб олимларининг асарлари ўрганилган, улардан нусхалар кўчирилган ва таржима қилинган. Натижада, бой кутубхона вужудга келган. Мадраса ва хат-тотлик мактабларида юзлаб шогирдлар илм ва ҳунар сирларини ўрганганлар.

Астрономия соҳасидаги асарлари билан танилган Абу Наср ибн Ироқ, мантик, фалсафа ва табобат илмида ном қозонган Абулхайр ибн Хаммор, машхур табиб Абу Саҳл ал-Масихий, кўпқиррали илм соҳиблари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Сино Академия номини оламга таратдилар. Абу Бакр ал-Хоразмий ва Абул Фараж ибн Хинду эса араб тилидаги шеърятни янги поғонага кўтарганлар. Академияда жами 100 дан ортик машхур алломалар илмий изланишлар олиб борган.

Гурганждаги илмий

изланишлар Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун даврида ҳам муваффақиятли давом эттирилди. Тиббиёт, кимё, минералогия, астрономия, тарих, адабиёт соҳаларида кўплаб илмий асарлар яратилди.

Яқинда 1000 йиллиги халқаро миқёсда тантанали суратда нишонланган Академияда бугунги кунда фаннинг ўнлаб соҳаларида долзарб мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**АСТРОНОМИЯ СОҲАСИДАГИ АСАРЛАРИ БИЛАН ТАНИЛГАН АБУ НАСР ИБН ИРОҚ, МАНТИК, ФАЛСАФА ВА ТАБОБАТ ИЛМИДА НОМ ҚОЗОНГАН АБУЛХАЙР ИБН ХАММОР, МАШХУР ТАБИБ АБУ САҲЛ АЛ-МАСИХИЙ, КЎПҚИРРАЛИ ИЛМ СОҲИБЛАРИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ВА АБУ АЛИ ИБН СИНО АКАДЕМИЯ НОМИНИ ОЛАМГА ТАРАТДИЛАР.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН 1997 ЙИЛИ ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ.**

Аммо 1017 йили уюштирилган суикасд туфайли Маъмун ибн Маъмун ўлдирилди. Қўшни Ғазнавийлар давлати асосчиси Маҳмуд Ғазнавий Хоразмга бостириб кириб, бу ердаги олимларнинг кўпини ўз пойтахти — Ғазна шахрига олиб кетди. Шу тариқа Академиянинг фаолияти барҳам топади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 1997 йили Хоразм Маъмун Академияси қайта тик-

ланди. Яқинда 1000 йиллиги халқаро миқёсда тантанали суратда нишонланган Академияда бугунги кунда фаннинг ўнлаб соҳаларида долзарб мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

дир асарлар турли тиллардан араб тилига таржима қилинган.

Мазкур Академияда ўз даврининг машхур олимлари иш олиб борган. Улар орасида Марказий осиелик олимлар ҳам кўп эди. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ҳолид ибн ал-Малик ал-Марварудий, Ал-Аббос ибн Саид ал-Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий, Абу Юсуф Ёқуб ибн Саббоҳ ал-Киндий каби илм соҳиблари шулар жумласидан.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, милодий 830 йили халифа ал-Маъмун Византия устидан ғалаба қозонгач, товон пули ўрнига юнон файласуфларининг китобларини беришни талаб қилган. Айни пайтда, у нодир китобларни харид қилиш учун дунёнинг турли мамлакатларига махсус вакиллар жўнатган. Масалан, 830 йили худди шу мақсадда у Хоразмий бошчилигидаги олимлар гуруҳини Фарбий

сақлаб қолинган. Айрим араб тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 2 миллиондан ортик араб тилидаги қўлёзма мавжуд. Арабшунос олим А.Б.Халидов эса дунёда араб тилидаги қўлёзма мавжуд 630 минг қўлёзма бор, деб ҳисоблайди. Форсий ва туркий тилдаги қўлёзма асарлар ҳам талайгина.

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

ХОРАЗМДА X аср охири ва XI аср бошларида янги Маъмун академияси вужудга келди. Унинг асосчиси Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун (997-1010) эди. Абу Наср ибн Ироқ ва Беруний Нишопур, Балх, Бухоро, Бағдод сингари шаҳарлардан таниқли олимларни Гурганж (ҳозирги Урганч) шаҳрига таклиф қилганлар. Уларнинг илмий изланишлари учун бу ерда барча шароитлар яратиб берилган. «Дор ул-ҳикма ва маориф» («Билим ва маориф уйи») номи билан ма-

*Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари ташкил топганлигининг 15 йиллигига бағишланган «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустақкам қафолатидир» мавзусида семинар бўлиб ўтди.*

**Маъбуда ЮНУСОВА**

УНДА Ўзбекистон Президентининг шу номдаги асари йиғитларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бекиёс ўрин эгаллаши, она юрт посбонларини вояга етказишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги, маънавий-маърифий ишлар ҳақида сўз борди.

## ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Хабар

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари Маннопжон Аҳмедов, «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раиси Абдулазиз Абдуқаҳоров маърузаларида амалга оширилаётган ислохотлар миллий армиямизни ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва зиё масканидек билим ва тарбия ўргатадиган, ўз Ватани, халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантираётганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, тадбирда «Ватанпарвар» ташкилоти техника мактаби тингловчиларининг ижодий ишларидан намуналар, техника воситалари кўргазмаси ташкил этилди.

Ватанимизнинг муносиб ворисларини, ҳақиқий юрт ҳимоячиларини тарбиялаб вояга етказишда жамоат бирлашмаларининг ролини кучайтириш, маҳаллалар, мактаблар билан ҳамкорлики янги йўлга қўйиш ижобий самаралар бериши алоҳида таъкидланди.

Қушчи, Абдул Али ибн Муҳаммад ибн Хусайн Биржандий каби олимларнинг аниқ фанлар соҳасидаги тадқиқотлари ва илмий хулосалари салмоқли бўлган. Улар Хоразм Маъмун Академияси анъаналарини муваффақиятли давом эттирганлар.

Улуғбек Самарқанд яқинида уч қаватли Расадхона (Обсерватория) барпо этган эди. Бу ерда осмон жисмлари, уларнинг ҳаракати кузатиб борилган. Натижада 1018 та юлдузнинг ҳолати қайд қилинган жадвал ҳамда астрономия ва геометрия фани асослари баён этилган «Зижи Кўрагоний» асари ёзилган. Бу асар Шарқ ва Фарб мамлакатларида катта шухрат топган. Унга таниқли олимлар шарҳлар ёзганлар.

Расадхона ҳузуринда алоҳида илмий кутубхона бўлган. 1428-1429 йилларда ташкил этилган кутубхона 15 мингдан ортик китоб жамғармасига эга эди. Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлимидан кейин ушбу кутубхонадаги нодир асарлар Али Қушчи томонидан Шаҳрисабзга олиб кетилган ва Қутчи қишлоғи атрофида қўмилган, деган тахминлар бор.

Улуғбек хукмронлиги пайтида Самарқандда иккита мадраса қурилган. Бошқа машхур олимлар қатори унинг ўзи ҳам ҳафтада бир маротаба бу мадрасада ёшларга сабоқ берар эди.

Улуғбекнинг фожиали ўлимидан сўнг Академия фаолияти ҳам тўхтаб қолган. Шогирди Али Қушчи дастлаб Мовароуннаҳрда, кейинроқ Туркияда устозининг илмий ишларини тарғиб қилди, янги китоблар ёзди.

Мустақиллик йилларида улуг аждодларимизнинг илмий ишлари ўзининг чинакам кадрини ва баҳосини топди, миллатимизнинг бебаҳо меросига айланди.





## НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШИ ЧЕКЛАНДИ

**ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Россия Давлат думаси нотижорат ташкилотларнинг мамлакатда референдумлар ўтказилишида, шунингдек, сиёсий партиялар жамғармаларига хайрия маблағлари ажратишини чекловчи қонун қабул қилди.**



ШУ муносабат билан «Референдум тўғрисида»ги конституциявий қонунга тузатишлар киритилди. Бундан буён нотижорат ташкилотларга референдумлар ўтказилишини қонунчиликка зид равишда олинган маблағлар билан молиялаштириш тақиқ-

ланади. Амалдаги қонунчиликда Россия референдум жамғармасига хорижий фуқаролар, халқаро ва чет эл ташкилотлари, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан хайрия маблағларининг ажратилиши тақиқланган.

Депутатлар шундай фаолияти чекланган юридик ва жисмоний шахслардан бир йил мобайнида маблағ олиб турган нотижорат ташкилотларнинг референдум жамғармасига маблағ ўтказиб беришини ҳам чеклашга қарор қилди. Мазкур чеклов нотижорат ташкилотлар томонидан олинган маблағлар ўз эгаларига қайтарилмаган тақдирдагина қўлланилади.

## КОДЕКС НОРОЗИЛИК УЙҒОТДИ

**Благовест-инфо хабарига кўра, Грузиядаги «Озодлик институти» нодавлат ташкилоти ва жамоат эшиттиришлари ҳамкорлигида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва Европа Кенгаши кўмағида олий қонунчилик органига тақдим этиш учун ишлаб чиқилган Эшиттирувчилар кодекси лойиҳаси парламент депутатлари, журналистлар ва Грузия православ черкови вакиллари орасида жиддий норозилик уйғотди.**



ДЕПУТАТЛАР диннинг оммалашувини чеклаш тўғрисидаги бандни ғайриконституциявий, деб топди. Уларнинг сўзларига қараганда, мазкур кодекс ўзгаришсиз қабул қилинса, телевидение том маънода кўнгилочар кўришга айланиб қолади.

«Православ ота-оналар иттифоқи» вакиллари яқинда коммуникация миллий комиссияси биноси олдида норозилик намойиши ўтказди. Мазкур иттифоқ раисининг фикрича, Кодекс тақдим этилган ҳолда қабул қилинса, «болалар ахлоқан бузуқ ёки ақлан заиф бўлиб қолишлари мумкин».

«Православ ота-оналар иттифоқи» ҳужжатнинг янги намунасини ишлаб чиқиш учун оммавий ахборот воситалари ва жамиятнинг турли қатламлари вакилларида иборат ишчи гуруҳ ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайди. Кодекснинг ахлоққа зид келмаслиги ва аҳолини ахборотнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиши унинг асосий тамойили бўлиши керак.

## ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ ТАҚСИМЛАНДИ

**Кавказ.Мемо.Ру сайтида ёзилишича, бу йил Тоғли Қорабоғ ҳукумати илк марта жамоат ташкилотларига лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида давлат грантлари ажратди.**

МАЪЛУМОТЛАРГА қараганда, бу йил 14 та нодавлат ОАВ ва қатор нодавлат ташкилотларга маблағ ажратилган. Танловда 31 та ташкилот иштирок этган ва улардан 24 таси ғолиб, деб топилган. Келгуси йилда бу ерда но-

давлат ОАВ ва ташкилотларга янада кўпроқ маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

«Яқинда биз 14 номинация бўйича танлов ўтказдик. Грант олиш учун ариза берган 37 нодавлат ташкилотдан 26 таси танловда ютиб чиқди», — дей-



ди жамоат кенгаши раиси Михаил Гаспарян.

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

**Osvita.org.ua хабарига кўра, 2007 йилдан эътиборан УНИАН агентлиги негизида «Фуқаролик жамияти» ахборот-таҳлил маркази фаолият бошлайди.**

МАЗКУР марказ фаолиятдан кўзланган мақсад Украина нодавлат ташкилотларининг мамлакат медиа-мақонидаги ахборот таъсирини кучайтиришдир.

Лойиҳага Украина пойтахти ва минтақаларида фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва фоллари, фуқаролик жамияти ривож масалалари бўйича экспертлар, социологлар, сиёсатшунослар ҳамда журналистлар жалб этилади.

«Фуқаролик жамияти» ахборот-таҳлил марказининг ташкил этилиши «учинчи сектор» ташкилотларининг марказий ва минтақавий оммавий ахборот воситалари орқали «чиқиши»га кўмаклашади. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг нодавлат ташкилотлар ва донор тузилмалар кундалик фаолиятдан хабардорлигини оширишга хизмат қилади.



## «БРИТАНИЯ КЕНГАШИ» РОССИЯДА ИНГЛИЗ ТИЛИ КУРСЛАРИНИ ЁПМОҚДА

**«Эхо Москвы» радиостанциясининг хабар беришича, «Британия кенгаши» шафелигида Россияда олиб борилаётган инглиз тили курслари ёпилади.**



МАЪЛУМОТЛАРГА қараганда, шу йил Россия маъмурлари «Британия кенгаши»дан фаолият учун Таълим вазирлигидан махсус лицензия олишни талаб қилган.

«Британия кенгаши» эса лицензия олиш машаққатли ва кўп вақт оладиган жараён эканини баҳона қилиб, уни ҳозирги шароитда амалга ошириб бўлмаслигини маълум қилган.

қилган.

Айрим кузатувчиларнинг фикрича, «Британия кенгаши»нинг инглиз тили курслари ёпилиши Россия билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатларга совуқчилик солиши мумкин.

Лекин Россия Давлат думаси халқаро ишлар кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Леонид Слуцкийнинг сўзларига қараганда, инглиз тили курсларининг ёпилиши икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларига таъсир кўрсатмайди.

Таъкидлаш жоизки, сентябргача «Британия кенгаши» Россияда гуманитар ташкилот сифатида фаолият кўрсатди. Аммо нодавлат ташкилотлар тўғрисидаги янги қонун талабларига кўра, Лондон Москвадан уни ҳукумат бирлашмаси сифатида тан олишни сўради.





Спорт

## ХАЛҚАРО ФЕДЕРАЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбек миллий спорт турларидан бири — белбоғли кураш тарихида янги давр бошланди. 23 декабрь куни Тошкент шаҳрида Россия, Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари белбоғли кураш мутасаддилари иштирокида халқаро конгресс бўлиб ўтди.

Элмурад ЭГАМКҮЛОВ



МАЪЛУМКИ, белбоғли кураш нафақат Марказий Осиёда, балки Россия ва МДХ давлатларида ҳам турли кўринишларда кенг тарқалган. Конгрессда кўтарилган асосий масала ҳам мазкур спорт турини дунё миқёсида ривожлантиришга қаратилди. Бунинг учун Халқаро федерация тузиш зарурлиги таъкидланди. Конгресс қатнашчилари ўртага ташланган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўзаро бирлик ва ҳамжиҳатликда Халқаро Белбоғли кураш федерациясига (IBKF) асос солидилар. Унинг расмий қароргоҳи Тошкент шаҳрида белгиланиб, Федерация президентлигига Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси президенти Рустам Исоқов сайланди.

— Бу дақиқаларни биз йиллар давомида кутган эдик, — деди Рустам Исоқов. — Миллий спортимиз сифатида қадрланаётган белбоғли курашни жаҳонга олиб чиқиш кўп йиллик оруз эди. Бизни хурсанд қилган ҳолат — жаҳон ҳамжамияти белбоғли курашни ўзбек халқининг миллий спорт тури сифатида тан олганидир. Энди бизнинг олдимизда турган энг катта вазифа уни барча қитъаларда кенг ривожлантириш ва аъзолар сонини кўпайтириш. Уйлайманки, яқин йилларда белбоғли курашнинг нуфузи ортади. Чунки бу борадаги Африка қитъасидан, Греция, Исроил, Венгрия, Дания, Германия каби давлатлардан келаётган таклифлар фикримизни тасдиқлаб турибди.

## «ПАХТАКОР» ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИНИ ЎЗ УЙИДА БОШЛАЙДИ

Осиё қитъасида футбол бўйича ўтказиладиган Чемпионлар лигаси ўз нуфузи билан бошқа мусобақалардан кескин ажралиб туради. Чунки мазкур баҳсларда Осиё давлатларининг энг кучли клублари, яъни ўз чемпионатларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар тўп суришади.

ЕТТИ қарра мамлакат чемпиони ва тўрт қарра кубок соҳиби бўлган «Пахтакор» жамоаси уйда келаётган йилнинг 7 март куни Эроннинг «Истиқлол» жамоасига қарши ўйин билан 2007 йилги Чемпионлар лигаси учрашувларини бошлайди. Гуруҳдаги сўнгги ўйин 23 майда Тошкентда бўлиб ўтади. «Пахтакор» бу сафар ҳам Эрон жамоаларидан бири билан кураш олиб боришига тўғри келади. Шунини айтиш керакки, мамлакатимиз бош жамоаси гуруҳдаги рақиблиарнинг ҳеч бири би-

лан аввал учрашмаган.

Демак, «Пахтакор» жамоаси ўрин олган «В» гуруҳдаги ўйинлар тақвими билан танишинг:

**1-тур. 7 март.** «Пахтакор» (Тошкент, Ўзбекистон) — «Истиқлол» (Техрон, Эрон); «Ал-Хилол» (Ар-Риёд, С.Арабистони) — «Қувайт» СК (Кайфан, Қувайт).

**2-тур. 21 март.** «Истиқлол» — «Ал-Хилол»; «Қувайт» СК — «Пахтакор».

**3-тур. 11 апрель.** «Истиқлол» — «Қувайт» СК; «Пахтакор» — «Ал-Хилол».

**4-тур. 25 апрель.** «Ал-Хилол» — «Пахтакор»; «Қувайт» СК — «Истиқлол».

**5-тур. 9 май.** «Истиқлол» — «Пахтакор»; «Қувайт» СК — «Ал-Хилол».

**6-тур. 23 май.** «Пахтакор» — «Қувайт» СК; «Ал-Хилол» — «Истиқлол».

Кўриб турганимиздек, рақиблиар анча жиддий. Бироқ футбол мухлислари «Пахтакор»га ишонишади ва жамоа Чемпионлар лигасини совринли ўрин билан яқунлайди. Эслатиб ўтамиз, Осиё Чемпионлар лигасида Ўзбекистон чемпионатининг кумуш медал соҳиби Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ҳам иштирок этади.



Биласизми?

## ОЛМАНИ ОЛМА ДЕМАНГ

Олма бизнинг иқлим шароитимиздаги энг кенг тарқалган мевалардан биридир. Шу билан бирга, у энг яхши парҳез воситаси ҳамдир. Айниқса, Қурбон ҳайити ва Янги йил муносабати билан ёзилладиган байрам дастурхонларининг шарофати билан кўп ўтмай яна қоматимиз тўғрисида қайгура бошлашимиз табиий. Шу боис сизга олмани парҳезнинг энг қулай усулларини тавсия этишимиз:

Дилфуза ҚЎЗИЕВА

да 100 грамм, балиқ 150 граммдан ошмаслиги, тухум оқи эса фақат битта бўлиши

ЕНГИЛЛАШИШ куни — бу куни сиз бегим кунлари ҳафтада 1-2 марта ўтказсангиз бўлади. Бунда кун мобайнида 1,5 кг миқдорда фақат олма еб, газланмаган маъданли сув ёки унча аччиқ дамланмаган чой ичиб юришингиз керак бўлади.

Тўғри, кўпчиликка бундай «енгиллашиш» оғирлик қилиши мумкин — ахир олма тезда очиктиради. Шу сабаб олма тановулидан кейин, суяқ қатик ичиб туришингиз ҳам мумкин.

Уч кунлик парҳезде эса гўшт, балиқ ва тухум оқидан истеъмол қилиш мумкин. Аммо бунда қайнатилган мол гўшти миқдори кун давоми-



керак. Аммо буларнинг ҳаммасини куннинг ўртасида истеъмол қилиш керак. Олмани эса истаганингизча

тановул қилверинг.

Энг узоқ давом этадиган олмали парҳез бир ҳафтага мўлжалланган. Бунда албатта оқсил ҳам (балиқ, гўшт, тухум оқи) зарурдир. Кунлик овқатланиш ҳажми эса нақ 2 бараварга кўп бўлади, яъни гўшт — 200 грамм, балиқ — 300 грамм, 2 та тухум оқи кифоя. Уларни тушлиқда ва чошгоҳдагина истеъмол қилиш мумкин бўлади. Буларга қўшимча тарзда 2 та сабзи ёки 1 стакан сабзи шарбати ва 1 дона помидор есангиз ҳам маъқул.

Дарвоқе, шунингдек тунтинги, олмали парҳезлар ҳамма учун ҳам фойдали эмас. Масалан, ошқозони, ўт пуфағи хаста одамларга фақат ширин ёки димланган олмалар тўғри келади.

Шунингдек, аллергияси борлар яхшиши фақат кўк (яшил) олма егани дуруст. Чунки қизил ва сариқ рангли олмалар аллергияни кўзғатади.

Демак, байрамга олмани олманг деманг, у бегим кунингизда ҳам жуда асқотди.

ОБУНА — 2007

## “Жамият” — Сизнинг газетангиз!

Республикамизда нашр қилинаётган оммавий ахборот воситалари сафидан ўрин олган «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси қисқа фурсат давомида кўпчиликнинг эътиборига тушибди. Ўзбекистонда ва жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларни ўз саҳифаларида ёритиб бораётган газетани келгуси йилда ҳам доимий мутолаа этишга бел боғладик.

ГАЗЕТАНИНГ ўтган сонларида берилган «Эркин сўз масъулияти», «Ўзбекистонни беҳад сева-миз» каби бир қатор бугунги кун нафаси уфуриб турган мақолалар бизларга манзур бўлмоқда.

Узку кишлоғида истиқомат қилаётган бир гуруҳ пенсионерлар биргалишиб газетанинг келгуси йил обунасини расмийлаштирдик. Бизлар газета жамоасига келгуси йилда ҳам ижодий муваффақиятлар тилаб мазмундор мақолалар кутиб қоламиз.

Усмон ота ТУРКМАНОВ, пенсионер,  
Самарқанд вилояти Нуробод тумани  
Узку кишлоғи.

Нашр индекси — 131

### МУАССИСЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузур-идаги Давлат ва жамият қурилиши академияси  
Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси  
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси  
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали

### ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Нигматилла АБДУЛЛАЕВ  
Шарбат АБДУЛЛАЕВА  
Раъно ЗАРИПОВА  
Худоёр МАМАТОВ  
Гулнора МАРУФОВА  
Қиём НАЗАРОВ  
Фозилжон ОТАХОНОВ  
Мухаммаджосиф ТЕШАБАЕВ  
Шоира УМАРОВА  
Маъруфжон УСМОНОВ  
Нозим ХАБИБУЛЛАЕВ  
Жамолiddин ҲАКИМОВ  
Алишер ШАЙХОВ  
Баҳодир ЭРГАШЕВ  
Соҳибжон ҚОБИЛОВ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ  
Беҳзод ҲОТАМОВ

### БОШ МУҲАРРИР

Сирожиддин РАУПОВ

### НАВБАТЧИ МУҲАРРИР

Норбобо ШАКАРОВ

### ДИЗАЙНЕР

Гулноза ТОЖИЕВА

### МУСАҲХИХ

Аслиддин САТТОРОВ

### НАВБАТЧИ

Нурали ШОДИЕВ

«Шарқ» нашриёт акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Буюртма рақами Г-1479 Тираж: 2000  
Газета «Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журналининг ҳафталик иловаси.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 503-рақам билан рўйхатга олинган.  
Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Ўзбекистон шохқўчаси 45 уй.  
Маълумот учун телефонлар: 132-60-98, 132-60-74.  
Электрон почта: jamiyat@mail.ru  
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Топшириш вақти: 22.15